



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИ СОДИР ЭТИЛИШИГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР (ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Абдуллаев Акмалжон Йўлчибоевич

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Дастлабки тергов ва
суриштирув кафедраси ўқитувчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10158202>

ARTICLE INFO

Received: 14th November 2023

Accepted: 19th November 2023

Online: 20th November 2023

KEY WORDS

Хоразм, транспорт
воситалари ҳаракати ёки
улардан фойдаланиш
хавфсизлиги қоидаларини
бузиш, йўл-транспорт
ҳодисаси, сабаблар, шарт-
шароитлар, олдини олиш.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада Хоразм вилояти ҳудудида содир
этилган транспорт воситалари ҳаракати ёки
улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини
бузиш жиноятининг мавжуд миқдор ва сифат
кўрсаткичлари асосида сабаблари ва уни содир
этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил
қилинган. Шунингдек, йўлларда хавфсиз муҳитни
яратиш мақсадида бу тоифа ҳуқуқбузарликларнинг
олдини олишга қаратилган илмий асосланган
амалий-услубий тавсиялар берилган.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири “Инсон қадрини учун” учун тамойили асосида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кафолатларини кучайтириш, фуқароларимиз учун муносиб яшаш шароитини яратиш ва албатта, улар тинч-тотув истиқомат қилишлари учун жамоат хавфсизлигини таъминлаш эканлиги барчамизга маълум.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январидagi ПФ 60-сонли “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони [1] асосида қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 16-мақсади “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш” деб номланганлигини ўзи ҳам юқоридаги фикримизни нақадар муҳим эканлигини тасдиқлаб турибди.

Зотан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар [2].

Маълумки, бугунги кунда Республикаимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги энг долзарб масалалардан бири транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминлаш ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби ҳозирги кунда инсон ўз ҳаётини транспорт воситаларисиз тасаввур қила олмайди.



Автомашина дастлаб аҳоли кўз ўнгида ҳашамат ёки қимматбаҳо мулк сифатида намоён бўлган бўлса, бугунги кунда асосий ҳаракатланиш воситаси, яъни кундалик эҳтиёжга айланди. Буни биз 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамызда жисмоний шахсларга тегишли жами енгил автомобиллар сони 3.051.734 тани ташкил этиб, ҳар 1000 нафар доимий аҳолига ўртача 87 та енгил автомобил тўғри келаётганлиги ҳақидаги статистик маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин [3]. Лекин уларнинг инсоният учун қилаётган беминнат хизмати билан бирга турли кўнгилсиз ҳодисаларга сабабчи бўлиб қолаётганлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Бунга ҳар йили “World Exprestancy” ташкилоти томонидан дунёдаги 183 та мамлакат бўйича эълон қилиб бориладиган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ҳар 100.000 нафар аҳолига нисбатан вафот этганлар нисбати 12,38 нафар шахсни ташкил қилаётганлиги яққол мисол бўла олади [4].

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кундаги таҳликали замонда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминлаш нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки бутун дунёда асосий масаладан бири сифатида қаралмоқда. Буни 2020 йил октябрь ойида Женевада ўтказилган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг “2021-2030 йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўн йиллик ҳаракат” номли Глобал ижтимоий компания тақдимотида 2030 йилга қадар йўл-транспорт ҳодисалари (кейинги ўринларда ЙТХ деб юритилади) натижасида ҳалок бўлиш ва жароҳат олиш ҳолатларини камида 50 фоизга камайтириш асосий мақсад қилиб белгиланиб, агар кескин чоралар кўрилмаса ЙТХлари кейинги ўн йилликда яна 13 миллион инсоннинг ўлимига ва 500 миллион кишининг жароҳат олишига сабаб бўлиши мумкинлиги, бунда, айниқса, аҳолиси сони нисбатан кам мамлакатлар кўпроқ жабр кўриши, бутун дунёда бевақт ўлим ҳолатининг асосий сабабларидан бири айнан ЙТХлари бўлиб қолаётганлиги таъкидланганлигидан ҳам кўришимиз мумкин [5].

Шу муносабат билан мамлакатимизда ҳам транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги таъминлаш масаласи давлат сиёсати миқёсига чиқди десак муболаға қилмаган бўламиз.

Хусусан, 2022 йил 11 февралда ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Ш.М.Мирзиёев мамлакатда 2021 йилда 10 мингдан зиёд ЙТХ содир этилиб, уларда 9 мингдан ортиқ фуқаро жароҳатланганлиги, энг ачинарлиси, 2,5 мингга яқин одам, шу жумладан 263 нафар бола ҳалок бўлгани катта фожиа эканлиги, таҳлиллар кўрсатишича, ЙТХларнинг 45 фоизи ҳайдовчиларнинг қоидаларни менсимаслиги, 10 фоизи ҳайдовчиларнинг тажрибасизлиги, 25 фоизи йўл ҳолати ва инфратузилмаси талабга жавоб бермаслиги, 20 фоизи пиёдаларнинг қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида содир этилаётганлиги оғриқ билан таъкидланиб, 2022 йилда барча ҳудудларда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” умуммиллий дастурини амалга ошириш белгиланди [6].

Сир эмаски, транспорт воситасининг ўзи инсон омили аралашувисиз ёки субъектив хато ва камчиликларсиз бирор-бир ижобий ёки салбий ҳодисани юзага келтира олмайди. Жумладан, йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини билмасликлари ёки уларга риоя қилмасликлари, шунингдек транспорт воситасини маст ҳолда ёки белгилангандан ортиқ тезликда бошқариш каби субъектив



омиллар кўпинча транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларининг асосий сабаби ҳисобланади.

Фикримизча, энг муҳим масала, ушбу турдаги жиноятлар содир этиб бўлинганидан кейин айбдор шахсларни жазога тортиш эмас, балки жиноятларни содир этилишини олдини олиш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш саналади. Мазкур жиноятларни олдини олиш учун эса, аввало муқаддам содир этилган жиноятларни таҳлил қилиш ва тергов ҳаракатлари давомида жиноятни сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб, кейинчалик уларни бартараф этиш чорасини кўриш керак бўлади. Зеро, жиноят-процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан ташқари, жиноятларнинг олдини олишга ҳам ёрдам қилмоғи лозим [7].

Жиноятларни сабаби ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин “сабаб” ва “шарт-шароит”нинг илмий моҳияти айнан нимани англатишини тушуниб олишимиз мақсадга мувофиқ саналади.

М.Д. Шаргородскийнинг фикрича, жиноятнинг сабаблари кенг маънода уларсиз юзага келиши мумкин бўлмаган ва мавжуд бўлолмайдиган барча ҳолатлар деб ҳисоблаш мумкин. Аммо бу ҳолатларнинг барчаси бир хил роль ўйнамайди. Улардан баъзилари фақат жиной мотивларнинг реал имкониятини яратади, бошқалари эса бу имкониятни ҳақиқатга айлантиради. Бинобарин, биринчисини шарт-шароит, иккинчисини сабаб сифатида кўриш кенга. Жиноятнинг сабаблари ўз ҳаракати билан унинг мавжудлигига сабаб бўладиган фаол кучлардир. Демак, у ёки бу жиноятни содир этишнинг сабаблари субъектларнинг манфаатларини ва уни содир этиш мотивларини қўзғатувчи фаол кучлардир [8].

Р.И. Латыповни таъбири билан айтганда, жиноят сабаблари деганда, шарт-шароитлар билан ўзаро таъсирда жиной ҳодисанинг мавжудлигини белгиловчи ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, сиёсий, ташкилий-бошқарув, миллий, психологик, тарбиявий-техникавий, салбий ҳодиса ва жараёнлар мажмуи, жиноятнинг шарт-шароитлари деганда эса ўз-ўзидан жиноятчилик ва жиноят содир этилишига сабаб бўлмайдиган, балки сабабнинг шаклланишига ва ҳаракатланишига кўмаклашувчи ва ёрдам берадиган ҳодисалардир. Шарт-шароитлар мавжуд бўлмаса, сабабни шакллантириш ҳам, амалга ошириш ҳам мумкин эмас [9].

Биз Р.И. Латыповни фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Чунки у томонидан берилган таъриф М.Д. Шаргородскийнинг мавҳумроқ тарифидан тўлиқ ва аниқроқ бўлиб, ҳақиқатдан ҳам сабаблар ва шарт-шароитлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳамда уларни биридан иккинчисини ажратиш бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида содир этилган транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятларни ҳар тарафлама ва чуқур объектив таҳлил қилиш, уларни содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, ЙТХ ҳайдовчи, пиёда, велосипедчи ва бошқа қатнашчиларга боғлиқ бўлмагани ҳолда транспорт воситасининг техник ҳолати, йўлнинг қатнов қисмидаги



носозликлар каби объектив омиллар туфайли ҳам рўй бериши мумкин. Ҳодиса жараёни жуда тез, ноаниқ ва мураккаб шароитда содир этилиши сабабли унинг сабаблари ва юзага келишига имкон берган шарт-шароитларни батафсил аниқлаш ҳар доим ҳам осон бўлмайди. Чунки йўлларда қатновни ташкил этиш ва хавфсизликни таъминлаш илм билан ҳамоҳанг бўлиши керак [10].

Таҳлил жараёнида асосий эътибор, “Автомобил-Ҳайдовчи-Йўл-Пиёда-Муҳит” тизимининг айнан қайси бўғинида ва айнан ким томонидан йўл ҳаракати ёки транспорт воситасидан фойдаланиш қоидалари бузилганлигини аниқлашга қаратилиши лозим.

Республикамизда 2021-2022 йилларда транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятлари жами содир этилган жиноятларнинг 2,0 фоизини ташкил қилган бўлиб, биргина Хоразм вилоятининг ўзида ушбу кўрсаткич 2021 йилда 11,7 фоизни, 2022 йилда 10,5 фоизни ташкил қилган.

2022 йилда Хоразм вилояти ҳудудида жами **305 та** жиноятга оид ЙТХлар содир этилган бўлиб, 2021 йилга (335 та) нисбатан **9 фоизга**, шу билан бирга, тан жароҳати олганлар 10,3 фоизга **камайган**.

Ўлим билан боғлиқ ҳолатлар **82 тани** (2021 йилда 82 та) ташкил этиб, **барқарор сақланган** ҳолда, ҳалок бўлганлар **6 фоизга ошган**.

Вилоят миқёсида жиноятга оид ЙТХлар **камайган бир вақтда**, Тупроққалъа туманида 50,0 фоизга; Урганч туманида 15,7 фоизга; Хонқа туманида 13,0 фоизга; Шовот туманида 25,9 фоизга ҳамда Янгиариқ туманида 114,3 фоизга **ошган**.

Ҳодисаларда **ҳалок бўлганлар сони** эса Урганч шаҳрида 233,3 фоизга; Тупроққалъа туманида 11,1 фоизга; Гурлан туманида 25,0 фоизга; Ҳазорасп туманида 25,0 фоизга ҳамда Шовот туманида 33,3 фоизга **ошган**.

2022 йил давомида **болалар иштирокида 40 та** жиноятга оид ЙТХлар содир этилган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 7 фоизга, тан жароҳатини олганлар 2,9 фоизга, ўлим билан боғлиқ ҳолатлар 25 фоизга камайган. Шундай бўлсада, Урганч туманида 14,3 фоизга, Хива шаҳрида 100 фоизга, Шовот туманида 75 фоизга, Янгиариқ туманида 100 фоизга ва Янгибозор туманида 100 фоизга **ошган**.

Содир этилган жиноятга оид ЙТХларининг юзага келиш механизми бўйича таснифланиши қуйидагича:

- тўқнашув натижасида **31,4 фоиз**;
- ағдарилиш натижасида **5,5 фоиз**;
- пиёдани уриб юбориш натижасида **42,2 фоиз**;
- велосипедчини уриб юбориш натижасида **13,4 фоиз**;
- тўсиққа урилиш натижасида **2,9 фоиз**;
- турган транспорт воситасига урилиш натижасида **0,6 фоиз**;
- от-аравани уриб юбориш натижасида **0,6 фоиз**;
- бошқа ҳолатлар натижасида **2,9 фоиз**.

Мазкур таҳлиллардан кўриниб турибдики, жиноятга оид ЙТХларининг аксарияти, яъни тўқнашув ва пиёдани уриб юбориш билан боғлиқ ҳолда содир этилган.

Йўллар кесимида жиноятга оид ЙТХларининг таснифланиши қуйидагича:



- халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўлларда (А-380) – **8 та**;
- давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларда – **163 та**;
- маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўлларда – **123 та**;
- кўчалар ва бошқа ички йўлларда – **11 та**.

Транспорт воситаларининг тури бўйича жиноятга оид ЙТХларнинг таҳлили қуйидагича:

- енгил автомобиллар иштирокида **277 та**, шундан 73 та ўлим ҳолати, 252 та турли даражадаги тан жароҳатлари етиши;
- юк автомобиллари иштирокида жами **16 та**, шундан 9 та ўлим ҳолати, 11 та турли даражадаги тан жароҳатлари етиши;
- автобус, микроавтобус ва бошқа йўловчи ташувчи транспорт воситалари иштирокида жами **6 та**, шундан 4 та ўлим ҳолати, 2 та турли даражадаги тан жароҳатлари етиши;
- трактор, бульдозер ва бошқа шу турдаги транспорт воситалари иштирокида жами **1 та**, шундан 1 та ўлим ҳолати;
- мотоцикллар иштирокида жами **5 та**, шундан 5 та турли даражадаги тан жароҳатлари етиши.

Жиноятга оид ЙТХларнинг **90,8 фоизи енгил автомобиллар, 5,2 фоизи юк автомобиллари** ҳиссасига тўғри келади.

Ҳафта кунлари бўйича таҳлилларга кўра, жиноятга оид ЙТХлар ҳафтанинг **сешанба (16,7 фоиз), чоршанба (15,7 фоиз) ва якшанба (18,3 фоиз)** кунлари бошқа кунларга нисбатан кўп содир этилган. Ҳафтанинг **якшанба** куни дам олиш ва ҳар бир туман-шаҳарда **бозор бўладиган кунлар** эканлиги, шу кунлари йўлларда транспорт воситалари қатновининг кўпайиши билан изоҳланади.

Жиноятлар **содир этилган вақт** ўрганилганда, **11,8 фоизи 00:01 дан 06:00 гача; 24,3 фоизи 06:01 дан 12:00гача; 29,8 фоизи 13:01 дан 18:00гача; 34,1 фоизи 18:01 дан 24:00 гача** бўлган вақт оралиғида содир этилганлиги ойдинлашган.

Ушбу таҳлиллардан жиноятларнинг аксарияти **соат 18:01 дан 24:00 гача бўлган вақт оралиғида** содир этилганлигини кўриш мумкин.

Фикримизча, бу сутканинг айни шу вақтида кўплаб транспорт воситаси эгаларининг иш вақти тугаб, уйларига қайтишлари сабабли йўлнинг қатнов қисмида тирбандликлар юзага келиши, аксарият ҳайдовчилар ишдан чарчоқ ҳолатида қайтаётганлиги, бундан ташқари, аҳолининг аксарият кўпчилиги қисми сутканинг айнан шу вақтида кўча ва бошқа жамоат жойларига чиқишлари билан изоҳланади.

Таҳлил натижалари жиноятга оид ЙТХларнинг **98,9 фоизи эркак ҳайдовчилар томонидан** содир этилганини кўрсатмоқда.

Бизнингча бунинг сабаби, **биринчидан**, ҳайдовчилик касбини асосан эркаклар эгаллаганида, **иккинчидан**, аёллар руҳиятидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситаларини бошқаришга қонунга итоаткорлик ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганликларида намоён бўлади.

Кўриш мумкинки, жиноятга оид ЙТХларни содир этган шахсларнинг асосий қисмини ёши **23 ёшдан 37 ёшгача** бўлган шахслар (**56,1 фоиз**) ташкил этган.

Бизнинг фикримизча, содир этилган ЙТХларда мазкур ёшдагиларнинг салмоғи юқори эканлигининг асосий сабаби, уларнинг фавқулодда вазиятларда тез ва тўғри



қарор қабул қилишга тайёр эмасликлари, юз бериши мумкин бўлган оқибатлар юзага келмаслигига нисбатан ортиқча ишончнинг мавжудлиги ва ҳайдовчилик малакаси яхши шаклланмаганлиги билан изоҳланади.

Мисол учун, 2022 йилнинг 5 мартида фуқаро С.Б. илгари транспорт воситасини бошқармаган ва ҳайдовчилик гувоҳномаси олмаган бўлса-да, отаси М.Ш. номида бўлган "Nexia" русумли автомашинани Хонқа тумани Томадургадик қишлоғи "Наврўз" маҳалласи ҳудудида бошқариб бориб, автомобиль йўлининг қатнов қисмида йўлнинг қарама-қарши томонидан ҳаракатланиб келаётган фуқаро А.А. бошқарувидаги "Gentra" русумли автомашина билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилиб, фуқаро А.А.га оғир шикаст етказилишига сабабчи бўлган.

Жиноятга оид ЙТХларни содир этган шахсларнинг аксарият қисмини **3 йилгача стажга (38 %)**, шунингдек, **3 йилдан 10 йилгача стажга (23,2 %)** эга бўлган шахслар ташкил қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, жиноятга оид ЙТХларнинг кўп қисми **етарли тажрибага эга бўлмаган**, ҳайдовчилик кўникма ва малакаси яхши шаклланмаган, юзага келиши мумкин бўлган хавфни олдиндан ҳис этиш қобилияти тўлиқ ривожланмаган ҳайдовчилар томонидан содир этилган.

Ўрганиш ва таҳлилларга кўра, Хоразм вилояти ҳудудида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш **жиноятлари содир этилиши сабаблари** қуйидагилар эканлиги аниқланди:

1. Белгиланган тезликка риоя қилмаслик.
2. Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш.
3. Транспорт воситасини ухлаб қолиб ёки ўта кучли чарчоқ ҳолатида бошқариш.
4. Транспорт воситасининг йўналишини ўзгартириш.
5. Оралиқ масофани сақламазлик.
6. Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш.
7. Чорраҳадан ўтиш қоидасини бузиш.
8. Светофор ёки йўл белгисига риоя қилмаслик.

Жиноятга оид ЙТХлари содир этилиши сабабларининг алоҳида-алоҳида таҳлил қилиниши, келгусида ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга доир чоратadbирларни тўғри белгилашга хизмат қилади.

Белгиланган тезликка риоя қилмаслик. Таҳлилларга кўра, Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **148 таси, яъни 48,5 фоизи** ҳайдовчилар томонидан белгиланган тезликка риоя қилмаганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **32 тага (180 та), яъни 21,6 фоизга камайган.**

Транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **36 таси, яъни 11,8 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидасини бузиш сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **6 тага (42 та), яъни 16,6 фоизга камайган.**

Аксарият ҳолларда ҳайдовчилар сабрсизлик қилиб, қарама-қарши томондан келаётган транспорт воситасининг тезлигини ҳисобга олмасдан ёки олдиндаги



транспорт воситасини қувиб ўтиш қоидаларига амал қилмаган ҳолда ҳаракатланиши натижасида ЙТХ содир этилишига сабабчи бўлганлар.

Транспорт воситасини ухлаб қолиб ёки ўта кучли чарчоқ ҳолатида бошқариш. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **6 таси, яъни 1,9 фоизи** ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқариш вақтида ухлаб қолиши ёки кучли чарчоқда бошқариши сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **2 тага (8), яъни 33,3 фоизга камайган.**

Кўп ҳолатларда вилоятлараро йўловчиларни ва давлатлараро юкларни ташиш билан шуғулланувчи ҳайдовчилар узоқ вақт давомида транспорт воситасини бошқариб, дам олмасдан ёки шошилиб, белгиланган вақтдан аввал манзилга етиб боришни кўзлаб, ЙТХ содир этилишига йўл қўйганлар.

Транспорт воситасининг йўналишини ўзгартириш. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **1 таси, яъни 0,3 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаси йўналишини ўзгартириши сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **2 тага (3), яъни 200 фоизга камайган.**

Бундай ЙТХлар ҳайдовчилар ёнма-ён ёки орқа томондан ҳаракатланиб келаётган транспорт воситаларига эътибор бермай, ён ойналарини кузатмай, монёвр қилиш қоидаларига риоя қилмай ҳаракатланганликлари оқибатида келиб чиққан.

Оралиқ масофани сақламаслик. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **15 таси, яъни 0,4 фоизи** ҳайдовчилар томонидан бошқа транспорт воситаси билан оралиқ масофани сақламаганликлари сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **5 тага (20), яъни 25 фоизга камайган.**

Бундай вазиятлар асосан киракашлик билан шуғулланувчи ҳайдовчилар йўловчи талашиб, йўл талашиб ва бошқа ҳолатлар туфайли ортидан келаётган транспорт воситасига қувиб ўтиш учун йўл бермаслиги ёки қасддан қаттиқ тормозлаш ҳолатлари сабаб бўлган.

Транспорт воситасини маст ҳолатда бошқариш. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **12 таси, яъни 4 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарилганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **3 тага (15), яъни 82 фоизга камайган.**

Чорраҳадан ўтиш қоидасини бузиш. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **3 таси, яъни 1 фоизи** ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш вақтида чорраҳадан ўтиш қоидасини бузганлиги сабабли келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **3 тага (6), яъни 50 фоизга камайган.**

Светофор ёки йўл белгисига риоя қилмаслик. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **5 таси, яъни 1,7 фоизи** ҳайдовчилар светофор ёки йўл белгиларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан бўлиб, 2021 йилнинг айни шу даврига нисбатан **2 тага (7), яъни 28 фоизга камайган.**



Шунингдек, таҳлил натижасида юқоридаги сабаблардан ташқари бошқа сабабларга кўра жиноятга оид ЙТХлар содир этилиши Хоразм вилояти ҳудудида **79 та** ёки 26,3 фоизни ташкил қилган.

Хоразм вилояти ҳудудида транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш **жиноятларини содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар** қуйидагилар эканлиги аниқланди:

1. Пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги.
2. Йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги.
3. Пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги.
4. Светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги.
5. Велойўлаклар ташкил этилмаганлиги.
6. Йўл қопламасининг носозлиги.

Шундан келиб чиқиб, юқорида келтириб ўтилган жиноятларини содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни алоҳида тарзда таҳлил қилиш лозим бўлади.

Пиёдалар ўтиш жойи ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **10 таси, яъни 3,3 фоизи** пиёдалар ўтиш жойининг ташкил этилмаганлиги ёки пиёдалар йўлакчалари етарли даражада ёритилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Аҳоли гавжум бўлган жойларда пиёдалар ўтиш жойларининг ташкил этилмаганлиги ёки ташкил этилган ўтиш жойлари олис масофада жойлашганлиги сабабли пиёдалар ўзлари учун қулай бўлган жойлардан ўтиб олишга ҳаракат қилишлари жиноятга оид ЙТХларининг содир этилишига шарт-шароит яратган.

Йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **6 таси, яъни 2 фоизи** йўлни иккига ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги оқибатида содир этилганлиги аниқланган.

Назаримизда, йўлни икки қисмга ажратувчи тўсиқлар ўрнатилмаганлиги **биринчидан,** пиёдалар йўлнинг белгиланмаган қисмидан кесиб ўтишларига; **иккинчидан,** транспорт воситаларининг белгиланмаган жойлардан бурилиб (қайрилиб) олишларига; **учинчидан,** қувиб ўтиш қоидаларига риоя қилинмаслигига; **тўртинчидан,** йўлнинг қарама-қарши қисмидан ҳаракатланишга имконият берилишига имкон бериш орқали жиноятга оид ЙТХларни содир этилишига шарт-шароит яратган.

Пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **12 таси, яъни 4 фоизи** пиёдалар ҳаракатини чекловчи тўсиқ (панжара)лар ўрнатилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **7 таси, яъни 2,3 фоизи** светофор ёки йўл белгиси ўрнатилмаганлиги ёхуд уларнинг носозлиги оқибатида содир этилганлиги аниқланган.



Велойўлаклар ташкил этилмаганлиги. Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **15 таси, яъни 5 фоизи** велойўлаклар ташкил этилмаганлиги натижасида содир этилганлиги аниқланган.

Бизнингча, жойларда йўллар инфратузилмасини яхшилаш орқали аҳолига янада қулайликлар яратиш борасида кўплаб ижобий ишлар қилинаётган бўлишига қарамасдан, ҳали-хануз кўп жойларда пиёдалар йўлаклари билан бирга велойўлаклар ташкил этилмаганлиги, бунинг оқибатида, велосипедчилар йўлнинг қатнов қисмидан ҳаракатланишга мажбур бўлаётганлиги, аксарият ҳолларда, велосипедчилар тунги ёриткичларсиз велосипедларни куннинг қоронғу вақтида бошқаришлари жиноятга оид ЙТХларни содир этилишига шарт-шароит яратган.

Йўл қопламасининг носозлиги. Автомобиль йўлларининг аксарият қисми носоз ҳолатдалиги, аниқроқ қилиб айтганда, таъмирланмаганлиги ёки таъмирлаш ишлари сифатсиз олиб борилганлиги оқибатида жиноятга оид ЙТХлар содир этилишига шарт-шароит яратмоқда. Жумладан:

Хоразм вилоятида умумий **9012 км** узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан:

- халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллар – **113 км;**
- давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллар – **711 км;**
- маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллар – **1391 км.**

Ушбу автомобил йўлларининг **7000 км**да таъмирлаш ишлари амалга оширилган бўлса-да, аммо **2012 км**да таъмирлаш ишлари ханузгача бажарилмаган.

Бунинг натижасида Хоразм вилояти ҳудудида 2022 йилнинг 12 ойи давомида жиноятга оид ЙТХларнинг **6 таси, яъни 2 фоизи** айнан йўл қопламасининг носозлиги сабабли содир этилганлиги аниқланган [11].

Эндиликда юқорида муҳокама қилинган жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлардан келиб чиқиб, келгусида ушбу турдаги жиноятларни олдини олиш учун қандай ташкилий- амалий ишларни бажариш лозимлиги юзасидан фикр юритсак. Бу борада энг аввало етакчи ҳорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини таҳлил қилиш фойдадан ҳоли бўлмайдди. Зеро, дунё тезлик билан ўзгармоқда. Келажак томонидан биз учун тайёрланаётган янги мураккаб муаммоларни қандай енгишимиз мумкин? [12].

Ҳолбуки, президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек, бу борада биз ҳар куни изланишда бўлишимиз, хориждаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, ҳаётимизни, иш услубимизни янгилашга ҳаракат қилишимиз лозим [13]. Зотан, “қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан хориж тажрибасининг салбий томонларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади” [14].

Хусусан, **Жанубий Корея**да ЙТХларни, айниқса болалар иштирокидаги ЙТХларни олдини олишда фуқаролик жамияти институтларининг роли беқиёс бўлиб, у ерда мактаб ўқувчилари ёки мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг оналари ёки бошқа фаоллардан иборат кўнгилли гуруҳлар ташкил этилган. Ушбу кўнгилли гуруҳларни вазифаси эрталаб ўқувчилар мактабга, тарбияланувчилар



мактабгача таълим муассасасига келишганида ва улар қайтишаётганида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдан иборат ҳисобланади [15].

Пиёдалар ўтиш йўлагига хавфсизликни таъминлаш юзасидан **Канада** [16], **АҚШ** [17], **Япония** [18], **Буюк Британия** [19], **Янги Зеландия** [20] ва **Россия** [21] давлатлари тажрибаси таҳлили, ушбу мамлакатларда “диагонал пиёдалар ўтиш йўлаги” мавжудлиги, ушбу омил пиёдалар билан боғлиқ ЙТХларни олдини олишда салмоқли ўрин эгаллаганлиги кўрсатди. Энг қизиғи, бу Канадада 1940 йилдаёқ амалиётга жорий этилган бўлиб, кейинчалик АҚШ, Япония, Буюк Британия, Янги Зеландияда жорий қилинган. Россияда эса 2000 йилларда қўлланила бошлаган [22].

Куннинг қоронғу ёки йўлнинг кўриниши чекланган вақтида пиёдалар ўтиш йўлаги яхши кўриниши учун бундай жойларда ётиб турувчи светофорлардан фойдаланиш. Бу тажриба, айниқса, **Германия, Россия, Хитой, Сингапур** ва бошқа ривожланган давлатларда пиёдалар билан боғлиқ ЙТХларни олдини олишда ўз натижасини бериб келмоқда [23].

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар натижасида ойдинлашган жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни илгари сурамиз:

- YANDEX TAXI ёки шунга ўхшаш миллий иловаларда мавжуд бўлган транспорт воситаси эгаси тўй ва бошқа маросимларда спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолларда чақириладиган “ЭЛТИБ ҚЎЙИШ” хизматини кенг жорий қилиш;
- жойларда “Дигонал пиёдалар ўтиш йўлаги”ни жорий қилиш;
- куннинг қоронғу ёки йўлнинг кўриниши чекланган вақтида пиёдалар ўтиш йўлаги яхши кўриниши учун бундай жойларда ётиб турувчи светофорлардан фойдаланиш;
- ЙТХларни олдини олиш учун Ўзбекистонда энг оммалашган Instagram, Telegram ва Facebook каби ижтимоий тармоқларда, Youtube ва Tik-tok каби платформаларда ўзининг кўплаб обуначилари бўлган блогер, тиктокер ва вайнерлар билан ҳамкорлик қилиш орқали, фуқароларимизни ўзига жалб қиладиган, тарбиявий, танқидий ва кулгили вайнлар, видеороликлар тайёрлаб, уларни кенг оммага намойиш қилиш йўли билан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

Хулоса қилиб айтганда, содир этилган жиноятнинг сабабини ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, ўрганиш орқали келгусида ушбу жиноятларнинг содир этилишини камайтириш ва йўлларда хавфсиз муҳитни яратиши мумкин. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятлари содир этилишининг олдини олиш учун жамиятнинг барча қатламлари ва давлат органлари ҳамкорликда фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги



- ПФ-60-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/5841063>. (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2023 й).
2. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://nrm.uz/contentf> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 20.05.2023 й).
 3. Ўзбекистон Республикаси президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг расмий телеграм канали. https://t.me/statistika_rasmiy (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 22.10.2023 й)
 4. <https://www.worldlifeexpectancy.com> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2023 й)
 5. <https://uza.uz/posts/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2023 й)
 6. <https://sputniknews.uz/20220211/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 24.10.2023 й)
 7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси// <https://lex.uz/docs/111460> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.10.2023 й)
 8. Редькин С.Ю. Классификация причин (условий) преступности. Вестник магистратуры. 2020. № 2-3 (101) 55. <https://cyberleninka.ru/article/n/klassifikatsiya-prichin-usloviy-prestupnosti> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.10.2023 й)
 9. Латыпов Р.И. Криминология. <https://be5.biz/pravo/k035/32.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.10.2023 й)
 10. <https://sof.uz/post/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 27.10.2023 й)
 11. Статистик ҳисоботлар.
 12. Илкка Тайпале. Финляндиянинг 100та ижтимоий инновацияси. Финляндия қандай қилиб финляндия бўлди: сиёсий, ижтимоий ва маиший инновациялар. <https://finlandabroad.fi/documents/4248263/0/Book-uzbek-суг.pdf/31d2fd29-5b37-4101-a2f3-7c4ce8db4989?t=1574776214174> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 29.10.2023 й)
 13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://uza.uz/uz/posts/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 29.10.2023)
 14. Саидов А.Х. Сравнительное правоведение (основные правовые системы современности): Учебник для вузов. – М., 2000. – С. 36-37.
 15. <https://kun.uz/news/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.08.2023)
 16. <https://skyscraperpage.com/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.11.2023й)
 17. <https://www.cbsnews.com/chicago/news/>(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.11.2023 й)
 18. <https://www.flickr.com/photos/danielfoster/30371447966/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.11.2023 й)
 19. <https://www.aaroads.com/forum/index.php/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.11.2023 й)
 20. <https://www.stuff.co.nz/dominion-post/news/106445651/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.11.2023 й)
 21. <https://astv.ru/news/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.11.2023 й)



22. <https://ru.wikipedia.org/wiki/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.11.2023 й)
23. <https://elibrary.ru/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 05.11.2023 й)